

IX. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иктисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-ҳиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларнинг хажми

	<i>Миқдори, (млрд.сўм)</i>	<i>Ўсиши суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
--	--------------------------------	---------------------------------	----------------------------------

Хизматлар – жами	4 181,7	115,1	100
-------------------------	----------------	--------------	------------

шу жумладан асосий турлари бўйича:


алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	202,6	110,7	4,8
молиявий хизматлар	890,4	180,3	21,3
транспорт хизматлари	698,7	102,4	16,7
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	682,0	102,0	16,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	124,7	111,8	3,0
савдо хизматлари	1 381,5	102,6	33,0
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	116,0	102,9	2,8
таълим соҳасидаги хизматлар	178,1	116,6	4,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	75,8	112,3	1,8
ижара хизматлари	96,2	102,1	2,3
компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	109,2	100,2	2,6
шахсий хизматлар	125,4	103,0	3,0
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	62,9	111,1	1,5
бошқа хизматлар	120,2	100,4	2,9

Хизматлар таркибидә энг катта улушни савдо хизматлари (33,0 %), молиявий хизматлар (21,3 %), транспорт хизматлари (16,7 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (4,8 %) ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,5 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,8 %) ҳамда ижара хизматлари (2,3 %) эгаллади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби, фоизда

(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)



Хизматлар таркибида мулкчилик шакллари улушларининг ўзгариш динамикаси, фоизда



Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари энг юқори улушни (33,0 %) ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вактда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида чакана савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкил этади – 79,2 % , Улгуржи савдо хизматлари 15,6 % ва Автомобил улгуржи ва чакана савдо хизматлари 5,2 % ни ташкил этди.



**Савдо хизматлари ҳажми ва ўсиш даражасининг
худудлар кесимида тақсимланиши
(2019 йил январь-декабрь)**

	<i>Ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>2018 йил январь- декабрга нисбатан %</i>	<i>Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %</i>
--	----------------------------	---	---

Жиззах вилояти	1 381,5	102,6	100,0
-----------------------	----------------	--------------	--------------

шаҳар:

Жиззах	562,9	96,9	40,8
--------	-------	------	------


туманлар:

Арнасой	31,0	102,2	2,2
Бахмал	66,4	112,4	4,8
Фаллаорол	103,4	114,2	7,5
Шароф Рашидов	109,7	119,8	7,9
Дўстлик	144,2	103,9	10,4
Зомин	96,0	101,8	6,9
Зарбдор	45,5	100,7	3,3
Зафаробод	29,6	108,7	2,1
Мирзачўл	52,0	106,1	3,8
Пахтакор	59,0	102,1	4,3
Фориш	49,3	97,3	3,6
Янгиобод	32,5	103,2	2,4

Савдо хизматлари худудлар бўйича таҳлил қилинганида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Шароф Рашидов (119,8 %), Фаллаорол (114,2 %), Бахмал (112,4 %) ва Зафаробод (108,7 %) туманларида қайд этилди.

Унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари эса, Жиззах шаҳар (96,9 %), Фориш (97,3 %) ва Зарбдор (100,7 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматларининг умумий ҳажмида худудлар улуси, фоизда (2019 йил январь-декабрь)



Савдо хизматлари бўйича юқори улушга эга бўлган худудлар Жиззах шаҳри (40,8 %), Дўстлик (10,4 %), Шароф Рашидов (7,9 %), Fallonarol(7,5 %) ва Зомин (6,9 %) туманлари ҳисобланади.

Унча юқори улушга эга бўлмаган худудлар эса, Зафаробод (2,1 %), Арнасой (2,2 %), Янгиобод (2,4 %) ва Zarbdor (3,3 %) туманларидир.

Транспорт хизматларининг таркиби, фоизда (2019 йил январь-декабрь)



Хизматлар таркибида савдо ва молия хизматларидан кейин транспорт хизматлари улуси (16,7 %) юқорилигини кўриш мумкин.

Шунингдек, қайд этиш жоизки юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошишининг асосий омиллари – бу янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуси 97,6 % билан асосий устунликка эга.

**Транспорт хизматлари ҳажми ва ўсиш даражасининг
худудлар кесимида тақсимланиши
(2019 йил январь-декабрь)**

	<i>Ҳажми, млрд.сўмда</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан %да</i>	<i>жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %</i>
--	------------------------------	--	---

Жиззах вилояти	698,7	102,4	16,7
-----------------------	--------------	--------------	-------------

шахар:

Жиззах	141,4	97,5	20,4
--------	-------	------	------


туманлар:

Арнасой	26,1	106,1	3,7
Бахмал	44,9	103,2	6,4
Фаллаорол	80,0	99,7	11,5
Шароф Рашидов	135,7	101,4	19,4
Дўстлик	55,5	101,8	7,9
Зомин	35,2	115,9	5,0
Зарбдор	33,7	109,1	4,8
Зафаробод	20,6	94,6	3,0
Мирзачўл	42,1	102,9	6,0
Пахтакор	42,2	110,6	6,0
Фориш	33,6	106,6	4,8
Янгиобод	7,7	110,0	1,1

Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Зомин (115,9 %), Пахтакор (110,6 %) ва Янгиобод (110,0 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Зафаробод (94,6 %) ва Фаллаорол (99,7 %) туманларида ҳамда Жиззах шаҳрида (97,5 %) қайд этилди.

**Транспорт хизматларнинг умумий ҳажмида
худудларнинг улуси, фоизда
(2019 йил январь-декабрь)**



Транспорт хизматлари бўйича юқори улушга эга худудлар сифатида Жиззах шаҳри (20,4 %), Шароф Рашидов (19,4 %), Фаллаорол (11,5 %), Дўстлик (7,9 %) ва Бахмал (6,4 %) туманлари қайд этилди.


Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Янгиобод (1,1 %), Зафаробод (3,0 %), Арнасой (3,7 %) ва Зарбдор (4,8 %) туманларида қайд этилди.

Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қиласи. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг қундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2019 йил январь-декабрь ойларида Жиззах вилояти бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 202,6 млрд.сўмга teng бўлди. 2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 110,7 % ни ташкил этди.


**Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларининг ўсиш суръати, фоизда
(2019 йил январь-декабрь)**



Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан январь-декабрь ойида ўсиш суръати (110,7 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (98,9 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиљ алоқа хизматлари, интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.к.) хисссасига тўғри келади.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, фоизда
(2019 йил январь-декабрь)**




Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги қунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АҚТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.


Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада, 2019 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 890,4 млрд.сўмга teng бўлди, ўсиш 180,3 % ни ташкил этди.

Жиззах вилоятида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати динамикаси, фоизда (2019 йил январь-декабрь)



Молиявий хизматларнинг таркиби, фоизда (2019 йил январь-декабрь)



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар қўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар қўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир қўрсатди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (91,1 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 6,5 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 2,4 % ни ташкил этди.

**Бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатининг
ҳудудлар кесимидағи ҳолати**

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан %	Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %	минг сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан %
Жиззах вилояти	4 181,7	115,1	100,0	3 058,6	112,7

шаҳар:

Жиззах	2 277,5	119,8	54,4	12 941,2	117,8
--------	---------	-------	------	----------	-------

туманлар:

Арнасой	78,0	110,2	1,9	1 714,9	108,7
Бахмал	155,3	111,3	3,7	1 006,9	109,0
Ғаллаорол	250,6	111,7	6,0	1 478,3	109,4
Шароф Рашидов	355,3	110,5	8,5	1 635,8	107,3
Дўстлик	233,5	107,5	5,6	3 603,0	105,5
Зомин	221,6	109,6	5,3	1 369,9	107,2
Зарбдор	103,6	108,6	2,5	1 221,4	105,9
Зафаробод	68,3	109,1	1,6	1 384,8	107,3
Мирзачўл	120,3	108,7	2,9	2 358,4	106,2
Пахтакор	134,0	109,1	3,2	1 820,7	107,0
Фориш	134,7	114,4	3,2	1 468,9	112,6
Янгиобод	49,0	108,7	1,2	1 761,5	107,1

Хизматлар соҳасининг ривожланишида ЭНГ катта улуш Жиззах шаҳри (54,4 %), Шароф Рашидов (8,5 %) ва Ғаллаорол (6,0 %) туманларда кузатилмоқда.


**Жиззах вилояти бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида
худудларнинг улуши, фоизда**
(2019 йил январь-декабрь)



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Янгиобод (1,2 %), Зафаробод (1,6 %) ва Арнасой (1,9 %) туманлари қайд этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида (2 277,5 млрд. сўм) бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,8 % ни ташкил этди.

**Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар бўйича
ҳажми ва ўсиш суръати**
(2019 йил январь-декабрь)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Бахмал (1 006,9 минг.сўм), Зарбдор (1 221,4 минг.сўм) ва Зафаробод (1 384,8 минг.сўм) туманларида кузатилди.

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар жами хизматлар ҳажмининг 4,3 фоизини ташкил этиб 178,1 млрд. сўм, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,6 фоизга ўсили. Худудлар бўйича таҳлил қилинганда Дўстлик тумани (142,8 %)га ўсиб бу соҳада этакчилик қилмоқда.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича
хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати
(2019 йил январь-декабрь)**




2018-йил январь-декабрь ойларига нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръати 111,8 % ни ташкил этди, ҳажми эса 25,4 млрд. сўмга ошди ва 124,7 млрд. сўмга етди.

Ушбу турдаги хизматларнинг ўсишига дам олиш уйлари, болалар лагерлари, коттеджлар ва бошқа дам олиш масканлари хизматларига бўлган аҳолининг талаби ўсганлиги сезиларли таъсир этганлигини қайд этиш лозим.


Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби, фоизда

(2019-йил январь-декабрь)




Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмининг асосий қисмини озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматларнинг улуши (89 %) ташкил этади.

Худудлар кесимида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръатлари (2019 йил январь-декабрь)



Қайд эиши жоизки, Фориш туманида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан икки баробарга ортган.

**2019 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича таълим соҳасида
кўрсатилган хизматларнинг ўсиш суръати, фоизда**



Хизматлар кўратишнинг мазкур соҳасида нисбатан паст ўсиш суръатлари Шароф Рашидов (101,1 %), Бахмал (106,0 %), Фориш (108,6 %), ва Пахтакор (109,1 %) туманларида кузатилди.

2019 йил январь-декабрь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар жами 75,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,3 фоизга ўсади ва жами хизматлардаги улуши 1,8 фоизни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори ўсиш суръати Зафаробод (147,9 %), Фориш(136,5 %) ва Бахмал (128,6 %) туманларида кузатилди.

**2019 йил январь-декабрь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасида
кўрсатилган хизматларнинг ҳудудлар бўйича ўсиш суръати (фоизда)**



Соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг ҳудудлар бўйича ўсиш суръатлари солиширилганида, Мирзачўл (100,8 %), Янгиобод (102,2 %), Шароф Рашидов (104,4 %), ва Пахтакор (104,5 %), туманларида нисбатан паст ўсиш суръатларини, Зафаробод (147,9 %) Фориш (136,5 %) ва Бахмал (128,6 %) туманларида эса аксинча, юқори ўсиш суръатларини кўришимиз мумкин.